

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-537-1



9 789943 015371

Б. БОБОМУРОДОВ, Ш. БОБОМУРОДОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Э. БОБОМУРОДОВ, Ш. БОБОМУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2010

Фалсафа фанлари доктори Г. Туленова таҳрири остида

Тақризчилар:

сиёсатшунослик фанлари доктори С. Жураев,

фалсафа фанлари номзоди Х. Худойбердиев,

психология фанлари номзоди Т. Жўраев.

Бобомуродов, Э.

Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологияси/Э. Бобомуродов, Ш. Бобомуродова; Г. Туленованинг умумий таҳрири остида; ЎзР олий ва урта махсус таълим вазирлиги. Термиз Давлат ун-ти.— Т.: O'zbekiston, 2010.— 136 б.

Ушбу илмий-методик қўлланмада ёшлар ижтимоий психологиясининг моҳияти ҳамда ўзига хос жиҳатлари, унинг ижтимоий онг таркибидаги ўрни ёритилади. Шунингдек, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳамда бошқа соҳаларидаги сифат ўзгаришларининг ёшлар онгига, туйғуларига ва дунёқарашига таъсири кўрсатилади.

Қўлланма олий ўқув юртларининг ёшлар муаммолари билан қизиқувчи талабалари ҳамда ўқитувчиларига мулжалланган.

ББК 88 5я73

Э. Бобомуродов, Ш. Бобомуродова

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ

Муҳаррир А. Саъдуллаев. Бадий муҳаррир Р. Зуфаров.

Техник муҳаррир У. Ким. Мусахҳиҳлар Н. Умарова, Ф. Норматов.

Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Босишга 23.02.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84×108 1/16.

Офсет босма. Шартли босма табағи 7,14. Нашр табағи 6,89.

Адади 1000. Буюртма № 10-48.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» ишприёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

ISBN 978-9943-01-537-1

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2010

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ўз ҳаётининг барча соҳаларини сифат жиҳатидан янгилаш, дунёвий демократик дафлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йулидан бормоқдаки, мамлакат Конституцияси уларнинг ҳуқуқий базаси, миллий истиқлол мафкураси эса ахлоқий-ғоявий асоси бўлиб қолди. «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов. — Ўз келажагимизни уз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»¹.

Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун жамият барча аъзоларининг, айниқса, республика аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган ёшларнинг куч-ғайратини сафарбар этиш талаб қилинади. Маданият маънавиятини, ривожланишнинг интеллектуал бойликларини бўлажак авлодлар онгига жойлаш айнан ёшларнинг вазифасидир². Шунинг учун ҳам республикаимиз Президентининг «Баркамол авлод йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш буйича ташкилий чора-тадбирлар туғрисидаги фармойишида «ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 105-бет.

² Уша асар. 104 — 131-бетлар.

турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш» қатъий таъкидлаб ўтилган¹. Ёшлар бундай масъулиятли вазифани бажара олишни учун Ўзбекистонда уларнинг эркин камол топиши ҳамда меҳнат фаолияти учун қулай имкониятлар яратилган.

«Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида» 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган Қонун билан ёшларда демократик ва бозор ислохотлари, ижтимоий ўзгаришларга ҳамда ўзини ўзи ривожлантиришга, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлигини, эркинликлар ҳамда фуқаролик масъулиятини тушунишга, ижтимоий нотаъвоқонлик ва боқимандалик психологиясини бартараф этишга фаол муносабатда бўлиш талабларига жавоб берадиган янги психологик фазилатларни ривожлантиришга кўмаклашадиган илмий методологияни ишлаб чиқишга асос солинди. Бундай йўналиш ёшларнинг ижтимоий-психологик қиёфаси, унинг ижтимоий вазифаси тўғрисидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик инсон турмуш тарзида ҳам, унинг психологиясида ҳам чинакам глобал ўзгаришлар қилди. Янгича фикрлашга, ёшларнинг янгича психологик қиёфасини шакллантиришга йўл очди. Бу ҳол умумий тараққиётнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг жуда муҳим шарт бўлган ёшларнинг умумий малакасини ошириш масаласини ҳал қилишда кўп жиҳатдан кўмаклашади². Бироқ бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жамият ёшлар қай тарзда шаклланаётганига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Мамлакатимиз сиёсатида жамиятнинг юксак маънавиятга ҳамда маърифатли инсонни шакллантиришга таяниши алоҳида урин тутади. Учинчи минг йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаси — янги авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилишда ёшлар оғида мустаҳкам маънавий тушунчаларни, инсонпарварлик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга, тарихий илдишларни билишга, миллий анъаналарни тиклашга улкан

¹ «Халқ сўзи» гачетаси. 2009 йил, 10 декабрь.

² Қириқов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 381-бет.

урин ажратилган. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги урнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрларимизга боғлиқ»¹.

Буларнинг бари ёшларнинг потенциал имкониятларини ва қобилиятини фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу глобал муаммонинг ечими эса шахснинг узини ўзи такомиллаштиришни ижтимоий манфаатлар билан, ҳар бир кишини ҳар томонлама ривожлантиришни давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжлари билан, бозор иқтисодиёти талабларини гуманистик маънавиятни ўстириш билан қовуштиришнинг янги шакл ва усулларини топиш орқали ҳал этилади. Шу боис республика жамиятшунослари орасида ижтимоий психологиянинг фалсафий-методологик муаммоларига, шу жумладан, ёшлар психологиясига қизиқиш борлиги маълум бўлди. Психологик қонуниятларнинг амал қилишини, ижтимоий, миллий, ёшлар психологиясининг хусусиятларини догматизм ва сиёсий конъюнктурадан холи тушуниш жамиятнинг янгиланиши моҳиятини монандроқ англаш, жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг долзарб муаммоларини аниқроқ тасаввур этиш имконини беради.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. 7-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 381-бет.

1-БОБ

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

1.1. Ёшлар жамиятнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳи сифатида

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини Конституция билан мустаҳкамлаб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан, иқтисодий ва сиёсий тизимларни ислоҳ қилиш, миллий давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидан изчил одимламоқда. Кенг кўламда ислоҳ қилишнинг, ўз йўлини танлашнинг, туб ўзгаришлар ва жамиятни янгилашнинг ўзига хослиги давлат тузилишининг муносиб концепциясини ишлаб чиқишда, республика аҳолисининг миллий-тарихий тажрибасини, турмуш ва фикрлаш тарзини, анъаналари, маросимлари ҳамда урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ўзгартиришларни амалга оширишнинг шакл ва методларида кўзга ташланади.

Республикада туб сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш учун ёш авлодга муносабат масаласини қайта кўриб чиқиш талаб этилади, чунки янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш жараёни жиддий зиддиятларга дуч келади. Янги иқтисодий онгнинг соҳиби, сўзсиз, ёшлар бўлиши лозим¹. Шу боис давлат мамлакат ва халқ тақдири учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олиб, жамият олдида қуйидаги аниқ мақсадларни қўйди:

— ёшларни ижтимоий муносабатларнинг ранг-баранг шакллариغا ўтишга психологик ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг ўзгариб бораётган шароитга қийналмай мосланишига кўмаклашиш;

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. 186—188-бетлар.

— интеллектуал салоҳиятни илдам ривожлантириш ҳамда унинг ёш авлод томонидан фаолиятнинг исталган соҳасида эркин руёбга чиқарилиши учун шароит яратиш;

— инсоннинг эркин ривожланиши ҳамда янги тилдаги шахс қарор топиши учун моддий ва маънавий макон яратиб берувчи синалган механизмлар воситасида ёшларни ҳуқуқий ҳимоялашни кафолатлаш.

Мустақиллик янги демократик қадриятлар фаол шаклланадиган, ҳуқуқий давлатга ва фуқаролик жамиятига мунофиқ келадиган, инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари асосий бойлик бўлиб қоладиган янги замонавий сиёсий, ҳужалик ва ижтимоий тузилмалар қарор топадиган қулай замин бўлди.

Бозор муносабатларига утилиши билан эскича қолипда фикрлаш барбод бўлди, кишиларнинг, шу жумладан, ёшларнинг дунёқарани ва психологияси узгара бошлади, шу муносабат билан ҳозирги пайтда ёшлар психологиясининг шаклланиши муаммоларини тадқиқ қилиш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

«Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислохотларнинг тақдири... ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис миллий тикланиш гоёсини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир», — деганди Республика-миз Президенти И.А. Каримов¹.

Ёш авлод ижтимоий онгини илмий таҳлил қилиш учун доимо жамиятнинг алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳини ташкил қиладиган ёшларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш талаб этилади. Тарихий тараққиёт авлодлар алмашинуви орқали амалга оширилиши ҳамда мураккаб диалектик жараёндан иборатлиги маълум².

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муҳалласдир. 3-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 361-бет.

Қаранг: Тулсенов Ж.Т. Диалектика назарияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. 201—205-бетлар; Колкин М.И. Становления мышления духа. — М.: Высшая школа, 2002. — С. 45—70.

Башарият тарихи жараёни, жамият тараққиёти ҳеч қачон буш жойда ҳаракатга келмайди, балки утмиш аجدодларнинг меҳнат, маънавий, ижодий интеллектуал фаолиятининг умумлаштирувчи натижаси бўлади. Бунда «ижтимоий тараққиёт негизида ўз борлиги ҳолатидан қониқмаслик ётади. Инсон юзага келаётган қийинчиликларни баргараф этиши, янги куч, ғайрат туплаши учун сабр-тоқатли бўлиши, ижтимоий муносабатлар барқарор бўлиши даркор. Барқарорлик ва сабр-тоқатлиликини узининг ижтимоий борлигидан қониқиш билан чалкаштирмаслик лозим. Барқарорлик ва сабр-тоқат ривожланишнинг дискрет, муваққат ҳодисаси, эҳтиёжларни такомиллаштиришга, юксалтиришга интилиш эса доимий ҳодисадир. Узининг борлигидан, эришган даражасидан қониқмаслик ижтимоий тараққиётнинг заминиди бўлиб, у туфайли янги эҳтиёжлар юзага келади»¹.

Ижтимоий ворислик генетик (ирсий) ворисликка асосланади, бироқ ўз қонуниятларига кўра инсон зотининг ҳаёт кечиришини узайтиришни таъминловчи биологик механизмдан тубдан фарқ қилади². У ДНК тузилишига кўра, ворисий ахборот кодини узатишига, жамиятдаги мутацияга боғлиқ эмас. Бу ҳодиса ишлаб чиқариш муносабатларини ва бошқа ижтимоий жараёнларни ривожлантириш асосида юз беради³.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам ҳар қандай авлод техникада, технология, ишлаб чиқариш, фаровонлик даражаси, маънавий маданиятда олға силжиши учун қулай шароитга эга бўлавермайди. Бироқ ёш авлод мерос қилиб оладиган ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига олиб келса ва ўзи ҳам ҳеч бўлмаса ушбу тузум доирасида такомиллашадиган бўлса, янги авлод ишлаб чиқаришни, техникани, технология, илм-фан, таълим, маданиятни ривожлантириш масалаларини узи муваффақиятли ҳал этган бўларди. Бунда, аслида, инсон муаммоси.

¹ Эркаев А. Духовность — энергия независимости. — Т.: «Маънавият», 1998. 37—38-бетлар.

² Қаранг: Давранов З. Современный детерминизм и его сущность. — Т.: «Фан», 1992. — С. 125—126.

³ Қаранг: Туленов Ж.Т. Диалектика назарияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. 201—252-бетлар.